

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2024 йил 29 май, № 105 (8728) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ХАЛҚЛАРИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

### Самарали Ўзбекистон — Россия саммити якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг давлат ташрифи доирасида қатор қўшма тадбирлар бўлиб ўтди.

26 май куни давлат раҳбарлари биргаликда «Янги Ўзбекистон» мажмуасига ташриф буюрди, Россия раҳбари Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

27 май куни тор ва кенгайтирилган таркибда олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди, улар давомида Президентлар икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар, делегациялар аъзоларининг асосий йўналишлар бўйича ҳисоботларини тингладилар, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти имзоланди, икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган, ўзаро ҳамкорлигида янги саҳифа очадиган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар алмашилди.

Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Владимир Путин Ғалаба боғига ташриф буюриб, «Матонат мадҳияси» монументи пойига гулчамбар қўйди ва Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи музей билан танишди.

Ўша куни Президентлар раислигида Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди, унда ҳудудлараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва уни янги амалий мазмун билан бойитиш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Россия Президентининг ушбу ташрифини ҳақли равишда тарихий деб аташ мумкин. Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида янги босқични бошлаб беради.

Ташриф тадбирлари якунлангач Тошкент халқаро аэропортида Президент Владимир Путинни Президент Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

**ЎзА.**

## ДАВЛАТЛАРАРО ШЕРИКЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

*Хорижий ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралар вакиллари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи якунларини шарҳлашда давом этмоқда.*

### Дунё нигоҳи

**Владимир КАТЕНЕВ, Санкт-Петербург шаҳар Савдо-саноат палатаси президенти:**



— Президент Владимир Путиннинг 7 май кунидаги инаугурация маросимидан кейинги учинчи хорижий мамлакатга сафари айнан Ўзбекистонга бўлди. Ташриф давлат ташрифи мақомига эга бўлиб, бу энг олий шаклдир.

Ташриф доирасида Тошкентда 20 дан ортиқ ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, меморандумлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Ишонамизки, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида Санкт-Петербург ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янада кучлироқ ривожланади.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик фаол ўсишда давом этяпти. Ўтган йил давомида товар айирбошлаш ҳажмининг 18 фоиз ошгани бунинг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон бир неча йил ичида биринчи марта шаҳримизнинг энг йирик 20 та ҳамкори қаторига кирди. Бу ҳамкорлик Санкт-Петербургнинг халқаро алоқалар соҳасидаги асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Биз муносабатларни янада кенгайтириш, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга интиламиз.

**Владимир ЛЕПЁХИН, Евроосиё иқтисодий иттифоқи Ривожланиш муаммоларини ўрганиш институти бош директори:**



— Россиянинг Ўзбекистон учун улкан инвестициявий дастури бор. Бу жараёнда биз молиялаштириш соҳаларининг кенгайишини кутишимиз мумкин.

Ўзбекистон аҳоли сони жиҳатдан ҳам Марказий Осиёда муҳим роль ўйнайди, албатта. Шунингдек, Ўзбекистон Россия учун МДҲдаги энг ишончли ва фойдали ҳамкорлардан биридир. Бу ерда маданий-гуманитар ҳамкорликни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Энг муҳими, Ўзбекистонда барқарорлик таъминланиб, тотувлик ва бағрикенглик ҳукм сурмоқда.

**Сюй ПОЛИН, Хитой Ижтимоий фанлар академияси «Бир макон, бир йўл» тадқиқот маркази директори ўринбосари:**



— Ташриф якунлари хитойлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Россия ва Ўзбекистон Хитойнинг, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги муҳим ҳамкорларидир.

Эътиборлиси, Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи Россиянинг янги ҳукумати тузилганидан кейин амалга оширилди. Бу эса расмий Тошкент ва Москва икки томонлама ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий, инвестиция каби амалий йўналишларда янги келишувларга эришишга қаратилганидан далолат беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Россия муносабатлари жадал ривожланмоқда. Шунингдек, Россия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Бунга Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодиётини технологик модернизация қилиш ва таркибий диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

→ 2

### Учрашув

## Алоқалар юқори босқичга олиб чиқилади

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Ўмон Султонлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Вафо Жабр Носир ал-Бусаидий билан учрашув ўтказди.*

Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар ўзаро савдо айланмаси кўрсаткичи икки давлат салоҳиятини ифода этмаслигини ҳамда тадбиркорлар ўртасида қўшма бизнес лойиҳаларини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Мулоқот давомида фан, таълим, маданият йўналишларидаги ҳамкорлик, мамлакатларнинг туризм салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Парламентлараро мулоқотни ўзаро ташрифлар орқали фаоллаштириш ҳамда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари тегишли қўмиталари ўртасида тажриба алмашиш ва яқин алоқаларни ўрнатиш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида элчи икки томонлама муносабатларни бундан кейин ҳам янада ривожлантириш учун бор имконият ва салоҳиятини ишга солишини маълум қилди.

**«Халқ сўзи».**

### Муносабат

## Имзоланган ҳужжатлар мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутади

*Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга ташрифи доирасида бўлиб ўтган музокараларда кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилдики, бу ҳар иккала давлат манфаатларига тўла мос келади.*

Шу жараёнда имзоланган ҳужжатлар орасида сиёсий, савдо-иқтисодий, атом энергетикаси, транспорт, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликни аниқ йўналишлар асосида ривожлантириш кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация ҳам бор. Унда барча асосий йўналишларга урғу берилгани, айниқса, эътиборга молик.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар қай даражада эканини тасаввур қилиш учун айни чоғда Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 350 дан зиёд ҳужжатлар ташкил этишини келтириб ўтиш кифоя. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ икки томонлама савдо ҳажми мисли кўрилмаган даражага етди, яъни ўтган йилда бу кўрсаткич салкам 10 млрд. доллар бўлди. Бунда экспорт ҳажми 3 млрд. долларга яқинлашди.

→ 2

Ўзбекистон — Россия:

## ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

*Ҳозирги ўта беқарор ва келажакни олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган даврда географик яқин қўшнилар ўртасидаги дўстона, чинакам шериклик ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим элементларидан бирига айланиб бормоқда. Бу, айниқса, узоқ йиллардан буён ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни сақлаб келаётган Ўзбекистон ва Россия каби давлатлар учун жуда муҳим.*

### Нуқтаи назар

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар халқаро ҳуқуқ, суверенитетни ҳурмат қилиш, қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва бири-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган ҳамкорликнинг ёрқин намунаси эканлиги қувонарлидир. Сиёсат билан иқтисодиётдан тортиб энергетика, таълим, илм-фан ва маданият каби муҳим соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттириляпти. Шу йилнинг ўзида Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин тўрт маротаба икки томонлама учрашув ўтказди. Россия давлат раҳбарининг куни кеча юртимизга амалга оширган ташрифи эса ўртадаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу В. Путиннинг мамлакат Президенти этиб қайта сайланганидан кейин амалга ошираётган хорижий ташрифларининг дастлабкиларидан бири ҳисобланишини инобатга олсак, мамлакатимиз билан алоқалар Россия учун қанчалар муҳим эканини намойиш қилади. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, ушбу ташриф Ўзбекистонга ва кўп миллатли халқимизга бўлган алоҳида муносабат ва ҳурматнинг, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражаси ва Ўзбекистон — Россия муносабатларини чуқурлаштиришга бўлган қатъий интилишнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Россия стратегик шерик ва иттифоқчи мамлакатлардир. 2005 йилда икки давлат Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани, 2022 йилда эса Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади. Давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган самимий, илиқ ва дўстона муносабатлар сиёсий мулоқотни фаоллаштириш ва барча соҳада ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда 370 дан ортиқ ҳужжатлардан иборат мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ўзбек ва рус халқларининг тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали шерикликни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлаётир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил май ойи бошида Россияга амалий ташрифи ва Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг юбилей йиғилишида кузатувчи-давлат раҳбари сифатида иштирок этгани бунинг амалий тасдиғидир.

Бугун расмий Тошкент ва Москва ўртасида барча даражадаги жадал ва кенг кўламли мулоқотлар фаол давом этмоқда. Бош вазирлар даражасида қўшма комиссия, ҳукуматлараро комиссия ва унинг қуйи қўмиталари фаолият кўрсатмоқда, идоралараро ва парламентлараро ҳамкорлик, иқтисодий ва ҳудудлараро алоқалар кенгаймоқда. Бундан ташқари, икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланган.

→ 3

## «Маҳалла еттилиги» ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишув

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бухоро вилоятига амалий ташрифи доирасида ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан яқиндан танишди. Айни чоғда вилоятда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш, ҳунармандчиликда кооперацияни мустаҳкамлаш, ҳудуд аҳолисини даромадли иш ўринлари билан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.*

Хусусан, Бухоро шаҳридаги лойиҳа қиймати 35 млн. доллар бўлган аралашма толали хом ва бўялган газлама ҳамда тайёр кийим ишлаб чиқарадиган “Нигора” МЧЖда 840 та иш ўрни яратилган.

Асосан, аёллар меҳнат қилаётган мазкур корхонада бўлган Сенат Раиси ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди ва улар билан дилдан суҳбатлашди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилиб, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқ инспектори ва ижтимоий хизмат ходимининг ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллаларни жамият ҳаёти ва ислоҳотларнинг илк нуқтасига айлантириш имконини берди.

Сенат Раиси Бухорога сафари давомида туманлардаги қатор маҳаллаларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” ва аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказди.

Масалан, Жондор туманининг Дарвеш маҳалласидаги “еттилик” билан суҳбат асносида ҳоким ёрдамчиси томонидан олиб борилаётган ишлар билан қизиқди. Аёллар ва ёшлар бандлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш, норасмий бандликка чек қўйиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасидаги ишлар ҳам эътибор марказида бўлди.

Сенат Раиси маҳалла аҳолиси хонадонларида ҳам бўлди ва улардаги шарт-шароит билан танишди. Айниқса, хонадонида иссиқхоналар ташкил қилган, чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйган юртдошларимиз билан кечган суҳбатлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

**«Халқ сўзи».**

## Эришилган келишувлар ишончли ҳамжиҳатликни кафолатлайди

*Ўзбекистон учун Россия, худди Россия учун Ўзбекистон сингари ташқи иқтисодий алоқалар тизимида икки ва кўп томонлама муносабатлар бўйича муҳим ўрин тутади. Бир томондан мамлакатлар бир-бири учун муҳим иқтисодий шериклар бўлса, бошқа томондан Ўзбекистон ва Россияни кўплаб тарихий, ижтимоий, гуманитар, маданий ва бошқа алоқалар бирлаштириб туради.*

Икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган илиқ ва дўстона муносабатлар турли кўринишдаги мунтазам алоқалар ва телефон сўзлашувлари билан қўллаб-қувватланиб, сиёсий мулоқотни фаоллаштириш ва барча соҳада ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати натижасида кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч тўғри ташкил этилгани боис тизимли чора-тадбирлар самараси бугун эришилаётган юксак натижаларда намоён бўлмоқда.

→ 2



Сенат қўмитасида

# Қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди

*Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига божхона брокери фаолиятини ҳамда халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш бўйича фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

Мажлисда қўмита аъзолари, маҳаллий Кенгаш котибиятлари, доимий комиссиялари, тегишли давлат органлари ва ташкилотлар масъуллари, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Кейинги йилларда божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қолаверса, халқаро курьерлик хизматлари бозори кун сайин ривожланиб бормоқда. Айни чоғда истеъмолчиларнинг ҳозирги талабларига мослашишда кенг имкониятлар яратиш зарурати ҳам мавжуд.

Таҳлилларга кўра 2021 — 2023 йиллар давомида халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали кириб келган жўнатмаларда 1723 та ҳолатда божхона қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Шунингдек, божхона брокери фаолияти учун рухсатнома бериш тартиби 2018 йилда бекор бўлгандан сўнг импорт ва экспорт фаолияти ҳужжатларини расмийлаштиришда етарли малакага эга бўлмаган мутахассислар (ихтиёрий шахслар) томонидан божхона декларацияларини хато тўлдириш оқибатида божхона тўловларини нотўғри ундириш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Қонун билан божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш бўйича фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби белгиланмоқда. Яъни ваколатли органларни хабардор этиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари қаторига қўшимча равишда божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолияти киритилмоқда.

Ваколатли органни хабардор этмасдан фаолиятни амалга оширганлик, хабардор қилиш тартибида фаолият юритиш учун белгиланган талаб ва шартлар бажарилганлиги юзасидан ваколатли органга ёлғон ёки нотўғри маълумот берганлик учун эса жарималар белгиланмоқда.

Қонун юзасидан қўмита аъзолари ва экспертлар тегишли вазирлик ва идора масъулларига саволлар билан юзланди.

Муҳокама якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ДАВЛАТЛАРАРО ШЕРИКЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

1 Янги Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йирик, жадал ривожланаётган бозор бўлиб, шу туфайли бу мамлакатнинг кўплаб халқаро ҳамкорлар, жумладан, Россия учун жозибадорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни Президент Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи яққол тасдиқлади.

**Ражеш МЕХТА,**
**БРИКС савдо-саноат палатаси ижрочи директори (Ҳиндистон):**



— Ўзбекистон етакчиси Президент Владимир Путиннинг ташрифи икки давлат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида янги босқични бошлаб берганини алоҳида таъкидлади. Самарали музокаралар ва сермазмун мулоқотлар натижасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Президентининг фикрларини амалий тасдиқлади.

Эътиборли жиҳат шундаки, ташриф доирасида томонлар янги юқори марра, яъни яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш бўйича келишувга эришди. Россияда ташкил этиладиган Ўзбекистоннинг тўлақонли савдо ваколатхонаси, ишга туширилаётган қўшма Инвестиция платформаси ушбу мақсадга эришишда муҳим роль ўйнайди.

Мулоқотлар чоғида томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада бойитиш, ҳали тўла фойдаланилмаган салоҳиятни самарали ҳаракатга келтиришга бўлган интилиши кўзга яққол ташланди. Ўзбекистон ва Россия етакчиларининг самимий ва ўзаро ишончга асосланган муносабати икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим ва мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Россия вакиллари энергетика, металлургия, нефтькимё, машинасозлик, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, логистика, фармацевтика, сунъий интеллект, олий таълим, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа кўплаб йўналишларда янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олгани яқин келажакда икки томонлама муносабатлар изчил суръатларда ривож топишидан далолат беради.

**Эмин ҒАРИБЛИ,**
**Озарбайжон давлат иқтисодиёт университетининг Халқаро иқтисодиёт кафедраси доценти:**



— Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат учун муҳим воқеадир. Россия ва Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё, ҳам бутун Евроосиё қитъаси иқтисодиёти ҳамда сиёсатида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, бу икки давлатнинг яқин ҳамкорлиги минтақавий барқарорлик ва тараққиётга катта таъсир кўрсатади.

Россия ва Ўзбекистон минтақадаги йирик иқтисодиётлардир. Учрашувлар ва ҳамкорлик ҳужжатларининг имзоланиши ҳар икки давлатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо, инвестиция ва инфратузилмани ривожлантириш каби муҳим масалаларга таъсирини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш салоҳиятига эга. Тошкентда бўлиб ўтган музокара ва учрашувларда мамлакатлар ўртасида савдо ҳажмини ошириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган бир қатор лойиҳалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Россия ва Ўзбекистоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари Марказий Осиёда интеграция жараёнларини рағбатлантириши мумкин. Ҳар икки давлат ўзининг иқтисодий ва сиёсий таъсири, яқин иқтисодий алоқалар ҳамда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали асосий куч сифатида ҳаракат қилишлари мумкин.

Ҳудудлар кенгаши йиғилишида давлат раҳбарларининг иштирок этиши Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш истагидан далолат беради. Ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди, минтақадаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, икки давлат ўртасидаги мулоқот ва ўзаро англашувнинг муҳимлиги таъкидланди.

**Магди Муҳаммад Мурсий АЛИ ЗАЪБАЛ,**
**Миср — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси:**



— Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифини диққат билан кузатдим. Эътиборлиси, Ўзбекистон Россия раҳбари қайта сайланганидан сўнг аввалги ташрифлар рамзийлигини инобатга олган ҳолда у ташриф буюрган биринчи манзиллардан бирига айланди.

Унда имзоланган мустаҳкам ҳужжатлар тўплами ва яқин келажак учун эълон қилинган режалар билан икки томонлама муносабатларда янги даврни очади.

Айниқса, Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академиясининг филиалларини очиш бўйича келишувларнинг имзолангани мени қувонтирди. Айнан таълим ва техник ёрдам соҳасидаги ҳамкорлик узоқ муддатли истиқболда ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик динамикасини мамнуният билан қайд этишимиз мумкин. Томонлар яқин келажакда савдо ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш режаларини маълум қилди. Қўшма лойиҳалар портфели 45 миллиард долларни ташкил этади. Бир неча йил олдин бундай рақамларни тасаввур қилишнинг ўзи даргумон эди.

Давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, бутун минтақа равнақида энергетика соҳаси алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон раҳбариятининг фаол ва очиқ ташқи сиёсати туфайли Россия билан муносабатлар икки мамлакат халқлари манфаати йўлида янада чуқурлашишига ишонаман.

**«Дунё» АА.**

# Имзоланган ҳужжатлар мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутади

1 Музокаралар давомида олий даражадаги учрашувларда икки давлат ўртасида илгари эришилган келишувлар ижросига катта эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Негаки, ушбу келишувларда белгиланган вазифалар ижроси барча йўналишдаги кўрсаткичларни янада яхшилаш ва айрим соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга шароит яратади.

Ана шу имкониятлар мулоқотлар асносида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Аниқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг стратегик шериги ҳисобланмиш Россия билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, етакчи корхоналарнинг кооперация лойиҳалари ижросини таъминлаш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш, жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш йўналишларида катта имкониятлар мавжудлиги урғуланди.

Айтиш жоизки, охирги йилларда икки давлат ўртасида йўлга қўйилган кенг кўламли алоқалар бугун ўз самарасини беряпти. Масалан, 2023 йилда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, ҳудудлар, таълим, тиббиёт форумлари, ишбилармонлик ва маданият тадбирлари қандай самара бераётганлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Икки давлатнинг инвестициявий ҳамкорлиги ҳам юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Шу билан бирга, саноат, энергетика, транспорт, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар фаол босқичга кўтарилди.

Хусусан, 2000 — 2023 йилларда Россия компанияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар ҳажми рекорд даражани, яъни салкам 45 млрд. долларни ташкил қилди. Жорий йилда эса Россиядан қарийб 5,5 млрд. доллар тўғридан-тўғри инвестициялар режалаштирилган. Эътиборли жиҳати, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда россиялик ҳамкорлар билан биргаликда очилган 3044 та корхона самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу яхши, албатта. Аммо мамлакатларнинг шу йўналишлар бўйича ишга солинмаган имкониятлари жуда кўп. Шу маънода, музокаралар жараёнида ушбу масалага жиддий эътибор қаратилганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаймиз. Ўз навбатида, икки давлат раҳбарлари томонидан ҳудудлар ўртасидаги кооперация алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини ҳам муҳим воқелик сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, айни пайтда Тошкент ҳамда Жиззах вилоятларида "Химград" индустриал технопарклари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида эса янги "Алабуга" ва "Мастер" инновация парклари барпо этилаётир.

Умуман олганда, музокаралар чоғида имзоланган ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерациясининг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Халқ вакилларидан ана шу ҳужжатлар ижросини таъминлашда мутасаддиларга кўмаклашиш талаб этилади.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

Қонунчилик палатасида

# Тиббиётда рақамли технологияларни жорий қилиш ишлари қандай ҳолатда?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.*

Президентимиз шу йил 21 май куни Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдимоти билан танишиш жараёнида тиббиёт муассасалари етарлича рақамлаштирилмагани сабабли суғурта тизими тўлиқ ишламаётгани, шифокорларнинг кўп вақти ҳисобот тўлдиришга кетаётганига урғу берган эди. Пойтахтимизда соҳани рақамлаштириш бўйича намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилиб, бунинг учун барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланиши айтиб ўтилди. Йил якунигача "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" тизимлари ишга туширилади. Бу, ўз навбатида, ортиқча оворагарчилик ва қоғозбозликларга чек қўйиб, ишларни тизимли равишда олиб боришга, шифокорларнинг беморлар учун кўпроқ вақт ажратишига имкон беради.

Ахборотда келтирилганидек, бугунги кунда 3645 та тиббиёт муассасасининг ҳаммаси юқори тезликдаги интернет тармоқларига уланган. Амбулатор муассасаларда 100 фоиз локал тармоқ қурилган бўлса, 23 минг 24 нафар тиббиёт ходими компьютер билан таъминланган.

Шунингдек, вазирлик томонидан Рақамли соғлиқни сақлаш ягона платформасини, тиббиёт бирлашмалари учун ахборот тизими базасини яратиш, тиббиёт бирлашмаларини АКТ инфраструктураси ҳамда телекоммуникация қурилмалари билан жиҳозлаш, шифокор, ҳамшираларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун 2024 — 2026 йилларда "Рақамли соғлиқни сақлаш ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда "Электрон поликлиника" ахборот тизимининг такомиллаштирилган талқини Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиникада ишга туширилди. Аввалги тизимдан фарқли ўлароқ ушбу тизимнинг патронаж хизмати рақамлаштирилди.

Қолаверса, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 2 та давлат хизмати ишга туширилган. Жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси учун талаб этиладиган тиббий маълумотномаларни онлайн тарзда олиш имкони яратилган.

Муҳокама давомида депутатлар юртимизда тиббиёт тизимини рақамлаштириш, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни алоҳида эътироф этди.

Шу билан бирга, аҳоли мурожаатлари, жойларда депутатлар томонидан олиб борилаётган парламент назорати тадбирлари, сайлов округларидаги учрашувлар жараёнида жойларда бу борада айрим муаммолар кузатилаётгани таъкидланди.

Мунозараларда тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида тиббий маълумотлар алмашинуви учун дастурий муҳит яратиш, соҳани давр талабларига мослаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан қўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИШОНЧЛИ ҲАМЖИҲАТЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

1 Расмий Тошкент ва Москва ўртасидаги иқтисодий муносабатлар икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Россиянинг МДҲ мамлакатлари билан товар айланмасида ижобий динамика билан тахминан тўртинчи ўринни эгаллайди ва Россия Федерацияси ҳам Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкорларидан бири бўлиб қолмоқда.

Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, биргина 2023 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама савдо айланмаси 5,4 фоизгача ошиб, қарийб 10 млрд. долларга етди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги 7 йилда 2,5 баравар ошган бўлса, яқин истиқболда савдо ҳажмини 30 млрд. долларга етказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг Россия Федерациясига экспорт қиладиган асосий товарларига тўқимачилик буюмлари, пахта, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари киради. Россия мамлакатимизга металл ва улардан тайёрланган буюмлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, табиий газ, машина ва ускуналар, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хомашёси, ёғоч ва целлюлоз-қоғоз маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотларини етказиб беради.

Нефть-газ соҳаси — углеводородларни қидириш, қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади. Масалан, 2017 йилда "Газпром" ва "Ўзбекнефтгаз" компаниялари ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланган. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга оширишда томонларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши кўзда тутилган.

2023 йил октябрь ойида эса Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия раҳбарлари учрашувида мамлакатимизга кунига 32 млн. куб метргача газ етказиб бериш йўлга қўйилди. Ўтган йилда "Казтрансойл" компанияси юртимизга 154,3 минг тонна Россия нефтини етказиб берди. Жорий йилда ушбу нефтнинг транзит ҳажми ошиши кутилмоқда.

> *Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиб бораётган суръати мамнуният билан қайд этилди. Етакчи корхоналарнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш юзасидан келишувга эришилди.*

Айтиш жоизки, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида 100 га яқин савдо-иқтисодий шартномалар амал қилади. Ўзбекистон ҳудудлари, асосан, Татаристон, Бошқирдистон, Москва, Санкт-Петербург, шунингдек, Иваново, Самара, Челябинск ва бошқа вилоятлар билан фаол иқтисодий алоқаларни олиб бормоқда. Бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 2018 йилдан буён Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказиб келинади.

Икки халқнинг тарихий алоқалари ва маданий ўзаро боғлиқлиги сайёҳлик алмашинувининг ошишида муҳим аҳамият касб этяпти. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистонга 750 мингдан ортиқ россиялик сайёҳлар ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида бу кўрсаткич 130 мингдан ошди.

Маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон ва Россия театрларининг ижодий сафарлари, икки мамлакатнинг маданият кунлари биргаликда ташкил этилмоқда.

Икки мамлакат муносабатлари ҳақида гап кетганда, парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу парламентлар вакилларининг ташрифлари орқали мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Федерал Мажлиснинг Давлат думаси билан ҳамкорлик бўйича тузилган парламентлараро гуруҳ икки мамлакатнинг стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилади, бир-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлайди. БМТ платформасида ўзаро ҳамкорлик Бош Ассамблея кун тартибидаги асосий масалалар ва томонлар илгари сурган ташаббуслар бўйича позицияларни ўзаро қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Давлатлар ўртасидаги барқарор икки томонлама муносабатларнинг асоси ўзаро манфаатлар ва устуворликларнинг мос келишидир. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳал этиб бўлмайдиган муаммо йўқ, минтақавий ҳамда халқаро даражада кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмлари ишга солинган ва улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 26-27 май кунлари мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликнинг юксак даражасини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки бу Россия раҳбарининг мамлакат Президенти этиб қайта сайланганидан кейин амалга ошираётган хорижий ташрифларининг дастлабкиларидан бири саналади.

Ушбу ташриф кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалаларини кўриб чиқиш имконини берди, десак, янглишмаймиз. Саммит доирасида икки томонлама ҳужжатлар тўплами қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки давлат ҳудудлари кенгашининг биринчи мажлисида иштирок этди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиб бораётган суръати мамнуният билан қайд этилди. Етакчи корхоналарнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш юзасидан келишувга эришилди.

Шунингдек, етакчилар энергетика, жумладан, атом энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, инновациялар, миграция, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Таълим ва муҳандис кадрларни тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академияси филиалларини очиш бўйича келишувларга эришилди. Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Умуман олганда, юксак даражадаги музокаралар парламентлар, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар, жамоатчилик, эксперт ва ишбилармон доиралар даражасида жадал алоқаларни давом эттириш юзасидан келишиб олиш имконини берди. Бу, ўз навбатида, мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга кучли туртки бериш билан бирга, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга замин яратади.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

**Самарқанд шаҳрида Солиқ қўмитаси ҳамда Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликда «Рақамлаштириш даврида солиқ қонунчилигига риоя қилиш даражасини ошириш: бугун ва келажак» мавзуида халқаро семинар ташкил этилди.**

Ўзбекистон — Россия:

# ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК


**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик.**

← 1 Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссия ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятидаги конструктивлик ушбу йўналишдаги ўзаро алоқаларнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беряпти. РФ раҳбарининг Тошкентга давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида имзоланган турли соҳага оид 20 га яқин битим ва келишувлар муносабатларимизни сифат жиҳатдан янада юқори поғонага олиб чиқиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ва Россия Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан манфаатдор ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, БМТ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилади, бири-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлайди. БМТ платформасида ўзаро ҳамкорлик Бош Ассамблея кун тартибидаги асосий масалалар ва томонларнинг илгари сурган ташаббуслари бўйича позицияларни ўзаро қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Россия томони БМТга аъзо давлатлар томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона (МОЯҚХЗ) тўғрисидаги Шартнома бўйича позициясини кенг қўллаб-қувватлашга кўмаклашди, МОЯҚХЗ бўйича Бош Ассамблеянинг резолюцияларини қўллаб-қувватлашда изчил иштирок этди (иккинчиси Бош Ассамблеянинг 75-сессиясида овозга қўйилмасдан қабул қилинди). Бундан ташқари, Россия Шартномага хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколни имзолади ва ратификация қилди. Россия, шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” (2019), “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида” (2021), “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича” (2022), “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2022) резолюцияларни қўллаб-қувватлади ва ҳаммуаллифлик қилди.

Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш масалаларида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан мустаҳкам йўлга қўйган ҳамкорлигига яна бир ёрқин мисол бўла олади. Айни пайтда Тошкент ва Москва кенг қамровли йўналишларда, хусусан, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм ҳамда экстремизм, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси, янги таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш бўйича ўзаро фаол алоқаларни йўлга қўйган. Ҳар икки давлатнинг позициялари ўхшашлиги Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда тинч Афғонистонни барпо этишга кўмаклашиш масалаларида ҳам кузатиляпти. Тошкент ҳам, Москва ҳам Афғонистонда якуний тинчликка эришиш, уни минтақавий интеграцион жараёнларга жалб этиш, иқтисодиётини тиклаш, гуманитар ёрдам кўрсатишга қаратилган қатор халқаро анжуманларга мезбонлик қилди. Россия Федерацияси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистонга оид илгари сурган ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон — Россия муносабатлари янги уфқлар сари ҳаракатланмоқда, икки давлат ўртасидаги алоқалар учун хос бўлган “стратегик шериклик ва иттифоқчилик” таърифи бугунги куннинг холис, соф ҳақиқатидир. Бинобарин, Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги Марказий Осиё минтақаси учун ҳам муҳим ўрин тутади.

Сиёсий ва хавфсизлик соҳасидаги мулоқотларнинг мунтазам аҳамият касб этаётгани иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ўсишига, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти. Ўзаро муносабатда, табиийки, иқтисодий алоқалар асосий ўрин тутади. Россия билан Ўзбекистон ўртасида товар айирбошлаш миқдори сўнгги уч йил мобайнида мунтазам ортиб борди. Иқтисодий муносабатдаги салмоқли ўсиш шундай суръат билан давом этса, икки йилдан кейин Россия билан товар айирбошлаш мисли кўрилмаган даражада ортади.

Бунга эришса бўлади, албатта. Чунки икки томон ҳам товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш зарурлиги борасида якдил фикрда бўлиб, саммит якуни бўйича Президентлар ўз ҳукуматларига келгусида 30 миллиард долларлик кўрсаткичга эришиш вазифасини қўйди. Қолаверса, давлатлар саноат кооперациясида жиддий илгарилаган. Энергетика, нефть-кимё, металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика ва инновацион тармоқлар бўйича аниқ лойиҳалар ҳам бунга имкон беради. Бундан ташқари, лойиҳалар портфели қарийб 45 миллиард долларни ташкил қилади. Бу галги ташриф доирасида 20 миллиард долларлик янги лойиҳалар бўйича келишувлар имзолангани муносабатларга янгича руҳ бағишлайди. Шу маънода, Ўзбекистон ва Россия савдо айланмаси 2030 йилга бориб икки карра ошиши кутилади. Сўнгги йилларда инвесторларимизда ўзаро қизиқиш ортаётгани бунга яққол асос бўла олади.

Умуман, Ўзбекистонга сармоя киритиш бўйича Россия Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Бугунги кунда айни миқдор 10 миллиард доллардан ортди. Рақамлар янада кўпайиши табиий. Зеро, апрель ойида Тошкентда ўтган “Иннопром” халқаро кўргазмаси доирасида 1,5 миллиард долларлик юзлаб янги кооперация лойиҳалари бўйича келишувларга эришилди. Ўзбекистон ва Россия Президентларининг учрашувида Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган қўшма Инвестиция платформаси ҳам ушбу мақсадга хизмат қилади.

Бугун давлатларимизнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам мустаҳкам ва истиқболли эканини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, ўтган йили Россия табиий газини Ўзбекистонга етказиб беришни бошлади. Бу мамлакатимиз аҳолисини ва тадбиркорлик субъектларини узлуксиз энергия билан таъминлаш имконини берди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин музокаралари давомида газ, нефть ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва маҳаллий корхоналар негизида углеводородларни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига катта эътибор қаратилгани, мамлакатимизда кам қувватли атом электр станцияси қурилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида битим имзолангани ҳам бежиз эмас, деб ўйлайман. Дунёдаги деярли барча етакчи давлатлар ўз энергетик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини атом энергетикаси ҳисобига таъминлаётган бир пайтда иқтисодиёти юксак суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг ҳам келажаги энергетика тизимининг тараққиётига боғлиқ экани сир эмас. Атом энергетикасини барпо этиш учун бизда барча имконият бор. Яъни Ўзбекистон катта миқдордаги уран захираларига эга бўлибгина қолмай, уни учинчи давлатларга ҳам экспорт қилаётган мамлакатдир.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги учун рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳаси ниҳоятда истиқболли йўналиш ҳисобланади. Боиси икки мамлакат ҳам деярли бир вақтнинг ўзида давлат учун муҳим саналган ахборот технологияларини жорий этиш бўйича дастурни амалга оширишга киришган. Хусусан, 2018 йилда Россияда “Рақамли иқтисодиёт” ҳукумат дастури тасдиқланиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, рақамлаштиришнинг янги босқичига кириб келаётган Ўзбекистонда АКТ соҳасини такомиллаштиришга қаратилган Президент қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Икки мамлакат томонидан мазкур соҳада белгиланган мақсадларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар асосида амалга ошириш мумкин бўлади. Рақамли иқтисодиёт, технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш, почта алоқасини такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва IT мутахассисларни тайёрлаш шулар жумласидандир. Ушбу вазифаларни тўлақонли рўёбга чиқаришнинг имконияти бор. Зеро, Ўзбекистон ва Россия кадрлар тайёрлаш жабҳасида ҳамкорлик учун аллақачон мустаҳкам пойдеворга эгадир.

Ўзбекистон кейинги пайтларда Трансафғон темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга оширишга интилмоқда. Бу Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган муҳим восита ҳисобланади. Унга Россия ҳам катта қизиқиш билдиряпти. У қурилиб, ишга тушса бу мамлакат учун ҳам фойдалидир. Ўз маҳсулотларини Ўзбекистон ва Афғонистон орқали Осиёнинг бошқа мамлакатларига етказиб бериш имкониятига эга бўлади. Боз устига, Тошкент ва Москва Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари бозорлари билан боғловчи яна бир лойиҳа — “Шимол — Жануб” транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича яқин мулоқотни давом эттириш ниятида. Бу борада транспорт идоралари раҳбарларининг апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал маршрутини ривожлантириш бўйича биринчи учрашуви самарали бўлди.

Россия эндиликда Ўзбекистоннинг етакчи маърифий, илмий-амалий ҳамкорига ҳам айланмоқда. Тошкентда Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Бутунроссия кинематография институти каби машҳур олий ўқув юртлари филиаллари очилиши мамлакатимиз, халқимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётидаги улкан воқеадир. Ўзбекистон бугунги кунда Россия университетларининг хорижий филиаллари сони бўйича етакчи ҳисобланади. Анъанага кўра, сўнгги беш йилдан буён икки мамлакат олий ўқув юртлари ректорлари форуми ўтказиб келинаётгани фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётир. Мазкур шаклдаги сўнгги мулоқот 2023 йил сентябрь ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган эди. Унда юқори технологияли ишлаб чиқаришлар учун таълимни ривожлантириш ва бугунги куннинг асосий йўналишларидан бири — илғор муҳандислик мактабларини яратиш ва бошқа долзарб мавзулар муҳокама қилинди. Шунингдек, иштирокчилар энг мураккаб муҳандислик масалаларини ҳал этишга қодир, замонавий билимларни эгаллаган жаҳон даражасидаги мутахассисларни тайёрлаш масалалари хусусида фикр алмашдилар.

Бу бежиз эмас. Саноати тобора юксалиб бораётган, иқтисодиётнинг турли янги йўналишлари пайдо бўлаётган Ўзбекистонимиз учун малакали мутахассислар сув билан ҳаводек зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Россия муҳандислик-техника олий ўқув юртлари ректорлари анжуманининг ташкил этилгани ва унинг доирасида йигирмадан ортиқ шартномалар имзолангани юртимизда олий техника таълимини ривожлантириш гарови бўлиб хизмат қилади. Зеро, форумда юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш, академик мобиллик ва меҳнат бозорида энг кўп талаб қилинадиган йўналишлар, мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш истиқболлари ўрганилди. Олий таълим муассасалари ўртасидаги фаол инновацион лойиҳаларни амалиётга конструктив татбиқ қилиш, қўшма таълим дастурларини босқичли кенгайтириш, академик алмашинув ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва “Илғор муҳандислик мактаблари”ни институционал ташкил этишда халқаро талабларни биргаликда ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилишга келишиб олинди. Мазкур форумнинг асосий мақсади бўлган муҳандис кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг институционал ечимини топиш истиқболдаги вазифаларимизни белгилаб берди. Бу жараёнда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида академик таълим ва илмий лойиҳаларнинг узвийлигини биргаликда таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Асосийси, Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академияси филиалини очиш бўйича келишувга эришилгани эътиборга молик воқеа бўлди.

Бугун давлатларимиз ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2023 йил 6 — 30 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида татаристонлик мутахассислар иштирокида “Ўзбекистон — Татаристон саломатлик ойлиги” ўтказилгани бунинг яққол тасдиғидир. Тадбир доирасида россиялик онкология, гинекология, болалар хирургияси, катталар ва болалар нейрохирургияси бўйича мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасбларига аҳолини текшириш ҳамда ташхислашда ёрдам кўрсатди.

Икки халқнинг тарихий алоқалари ва маданий ўзаро боғлиқлиги сайёҳлик алмашинувининг ошишида муҳим аҳамият касб этяпти. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистонга 750 мингдан ортиқ россиялик сайёҳлар ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида бу кўрсаткич 130 мингдан ошди. Албатта, россияликлар Ўзбекистонга кўпроқ таътилга кела бошладилар. Сўнгги бир йил ичида россиялик сайёҳлар орасида Ўзбекистонга саёҳат қилишга бўлган талаб ортди. Мамлакатлар ўртасидаги визасиз режим туфайли ушбу йўналиш тобора оммалашиб бораётир. Бундан ташқари, барқарор, кафолатланган, арзон ҳаво қатновлари ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Биргина Москвадан Тошкентга кунига 15 дан ортиқ парвозлар амалга оширилади. Шу билан бирга, россиялик сайёҳлар нафақат Тошкентга, балки Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона каби шаҳарларга ҳам парвоз қилиш имкониятига эга. Бу саёҳатчиларнинг харажатларини сезиларли даражада камайтирди.

Россиялик саёҳатчиларни жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлар, жаҳонга машҳур ўзбек ошхонаси ва меҳмондўстлиги, тил тўсиқларининг йўқлиги, ўхшаш менталитет, умумий тарих ҳамда қадриятлар, шунингдек, турларнинг нисбатан арзон нархлари ўзига жалб қилади. Ўзбекистон ҳукумати Россиядан туристлар оқимини кенгайтиришни рағбатлантирмоқда. Томонларнинг эришилган натижалар билан чекланиб қолиш нияти йўқ ва яқин келажакда Россиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини рекорд даражага — бир миллион кишига етказиш режалаштирилмоқда. Бунга Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари томонидан 2022 йил март ойида имзоланган мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик оқимини ошириш учун шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирлар режаси ёрдам беради. У транспорт-логистика алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро сайёҳлик оқимини кўпайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ўртасида янги туристик йўналишларни яратишни ўз ичига олади.

Маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари ҳам фаол қўллаб-қувватланяпти. 2023 йилда Нижний Новгород, Екатеринбург, Уфа, Қозон ва Санкт-Петербург шаҳарларида Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамблининг гастроль сафари ташкил этилди. Москвадаги Катта театрда “Лазги. Қалб ва муҳаббат рақси” балетининг намойиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия театрларининг ижодий сафарлари, икки мамлакатнинг маданият кунлари биргаликда ташкил этилмоқда. Россия ижодий жамоалари Ўзбекистонда анъанавий тарзда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент халқаро кинофестивали каби йирик тадбирларда фаол қатнашаётгани қувонарлидир. Россия Федерацияси Президентининг ташрифи якунлари бўйича эса маданият ва санъат, туризм, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва спорт соҳаларида изчил алоқалар ва алмашинувларни фаол давом эттиришга келишиб олинди. Бу йўналишларда битим ва келишувлар тўплами имзоланди. Жорий йилда Ўзбекистонда Россиянинг йирик маданий тадбирлари, жумладан, кино кунлари ўтказилади. Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари, кўргазмалар ва театрларимизнинг ижодий сафарлари бўлиб ўтади.

Расмий Тошкент ва Москва ўртасидаги муносабатлар айни пайтда мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Ҳар иккала давлат Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан манфаатдор, шунингдек, томонлар глобал муаммоларни ҳал этиш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича бир-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлайди. Албатта, Ўзбекистон ва Россия ўртасида жадал ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг бутун хилма-хил кўламини бир мақолада қамраб олиш қийин. Бироқ бир нарса аниқ — томонлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тарафдори. Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва халқларимиз манфаати йўлида аввал эришилган келишувларни жадаллаштиришга кучли суръат бағишлаши, шубҳасиз.

> *“Ўзбекистонга сармоя киритиш бўйича Россия Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Бугунги кунда айни миқдор* ***10 миллиард доллар****дан ортди. Рақамлар янада кўпайиши табиий. Зеро, апрель ойида Тошкентда ўтган “Иннопром” халқаро кўргазмаси доирасида* ***1,5 миллиард*** *долларлик юзлаб янги кооперация лойиҳалари бўйича келишувларга эришилди.”*



Юзма-юз

## ҲАҚҚОНИЙ ВА ХОЛИС СЎЗ

### қалбларга чуқур сингиб, эзгу туйғуларни уйғотади

*Аслида, беғубор болаликнинг ўйинқароқ лаҳзалари қолиб кетган, ақлингизни танитган, тафаккурингизни чархлаган, қўлингизга илк бор қалам тутқазган заминга қадам қўймоқ, мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқдан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда. Пойтахтда яшаб, ишлаётган 70 нафарга яқин ижодкорларнинг баҳорнинг сўлим фаслида, лолақизғалдоқлар очилиб, атроф фусункорлик касб этган кунларда Қашқадарёда жам бўлишини рамзий маънода киндик қони томган заминга эҳтиром намунаси бўлди, десак, муболаға эмас.*

Қалбимизни шундай гўзал туйғулар чулғаб олган пайтда бундай учрашувни илк бор йўлга қўйганлар кўз ўнгимиздан ўтади. Вилоятни анча йиллар бошқарган марҳум Нуриддин Зайниев илк ташкилотчи эди. Бу анъаналарни кейинги раҳбарлар давом эттирди. Бу галги учрашувларни эса Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов уюштирди ва ҳар галгидан фарқли ўлароқ, бир пиёла чой устида гурунг эмас, балки туманларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилди. Жойлардаги вазият ўрганилди, одамларни қийнаётган муаммолар, турли масалалар ёзиб олинди.

Сафаримиз Қарши туманининг Қовчин қишлоғида жойлашган буюк бобокалонимиз Абу Муин Насафий зиёратгоҳидан бошланди. Улуғ бобокалонимиз дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган олимлардан биридир. Унинг “Тавсиратул адилла”, “Баҳрул калом”, “Ат тамҳид ли қавоиди тавҳид” каби асарлари дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Зиёратгоҳнинг тарихий музейида бўлиб, бу асарлар нусхалари, Хитой ипак қоғозига битилган ноёб Қуръони карим қўлёзмасини томоша қилдик. Бу муқаддас китобнинг бўйи 60, эни 41 сантиметр бўлиб, собиқ тузум даврида девор орасига яшириб қўйилган ва кейинчалик бус-бутун ҳолда топилган.

Учрашув Қарши туманидаги 71-мактабда давом этди. Вилоят раҳбарлари, шоирлар, ёзувчи ҳамда журналистлар иштирок этган анжуманда мактаб ҳаёти, ўқувчиларнинг билими ва салоҳияти, ўқитувчилик шарафи ҳамда масъулияти ҳақида фикрлар билдирилди.

— Бундай шинам мактабда аъло баҳоларда ўқимасликнинг иложи йўқ, — дейди шоир Берди Раҳмат. — Шифтидан қамиш осилиб турган, қишда ўтин билан иситиладиган, лойсувоқ мактабда ўқиганимиз кўз ўнгимдан ўтди. Ўшандаям биз илм олишни, ҳаётда ўз ўрнимизни топишни ўйлаб, китобдан бош кўтармасдик. Бу мактаб пойтахтдаги илм даргоҳлари билан бемалол бўйлаша олади. Илм масканида янги Ўзбекистоннинг келажаги, эртаси камол топмоқда ва улардан умидларимиз жуда катта.

2022 йилда Қарши шаҳрида очилган “Alp Texno Service” масъулияти чекланган жамият цехларида бир йилда 120 минг дона жаҳон андозаларига мос, турли русумдаги замонавий телевизорлар ишлаб чиқарилади ва унинг асосий қисми экспорт қилинади. 110 нафар маҳаллий йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонанинг ижрочи директори Эркин Қурбонов яқин кунларда чангютгич ва кир ювиш машинаси, иккинчи босқичда кондиционер ҳам ишлаб чиқарилишини айтди.

Қарши шаҳрида жойлашган “Sulton Tex Group” МЧЖ кластер корхонаси билан танишар эканмиз, чигитни экиб, ғўзани парваришлаб, йиғиб-териб олиб, қайта ишлаб, ундан калава ип тайёрлаб, мато тўқиб, матони тайёр кийим-кечакка айлантириш жараёни, яъни саноат занжири яратилганининг гувоҳи бўлдик.

Шунингдек, ижодкорлар Қарши давлат университетида, Абдулла Орипов номидаги ижод мактабида, вилоят марказидаги “Jahongir MED” хусусий клиникасида, Ғузор туманидаги “O‘zbekiston JTL” МЧЖ, Косон туманидаги “Bunyodkor tex” МЧЖ, Яккабоғ туманида барпо этилаётган “Yangi O‘zbekiston” массивини бориб кўришди. Шаҳрисабз шаҳридаги Мираки маҳалласида “Маърифатли ёшлар — юрт келажаги” мавзуида ижодий учрашув ўтказилди. Шаҳрисабз шаҳридаги “Оқсарой” мажмуаси, “Мақом” музейида кўнгилочар тадбирлар ташкил этилди.

Учрашувларда кўп фикрлар айтилди. Миракида шоирлар жўшиб ўқиган шеърлар юракларга етиб борди. Шеърлар ҳам, ижодий кечалар ҳам керак. Аммо халқ биздан ҳаққоний ва холис сўз, тараққиётга хизмат қиладиган фикрларни ҳам кутаётгани рост. Буни инкор этиб бўлмайди. Ижодкорлар борган Абу Муин Насафий зиёратгоҳига нафақат мамлакатимиздан, балки Саудия Арабистони, Малайзия, Германия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлардан сайёҳлар келади. Бироқ тан олиш керак, улуғ аллома абадий қўним топган қишлоқда лоақал битта меҳмонхона йўқ. Ваҳоланки, Қовчин қишлоғи туризм марказига айланиши, унда меҳмонхоналар, кўнгилочар масканлар, ҳунармандлар расталари, Абу Муин Насафий боғи ва бошқа сайёҳлик объектлари қурилиши лозим эди.

Бу қишлоқ табиий газдан ҳам бебаҳра қолган. Ҳатто зиёратгоҳни ободонлаштириш пайтида электр симларини кабель билан алмаштириш бошландию, чала қолиб кетди. Сув қувурларини ётқизишга киришилди ва 10 фоизга ҳам етмасдан тўхтаб қолди. Зиёратгоҳга борадиган йўл четида бетон йўлак қурилиши ҳам ўлда-жўлда. Агар бу каби муаммоларга ечим топилса ва Қовчин қишлоғи туризм марказига айлантирилса, бу ерга келувчи сайёҳлар сони янада кўпайган бўларди.

Ижодкор ва журналистлар катта куч. Улар юртимизда кечаётган ҳаётий ислоҳотларнинг иштирокчиси ҳамдир. Шундай экан, Қашқадарё учрашувлари қатор ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам ташаббускор бўлиши керак эди. Дейлик, Қашқадарёга нега доим давлат инвестиция киритиши лозим? Ахир Тошкентдаги сармояси мўл қашқадарёлик тадбиркорларни жалб қилиш мумкин эмасми? Ёки воҳанинг чекка ва олис қишлоқларида ўқитувчилар, шифокорлар етишмайди. Тошкентда эса бориб ишлашга мойил шундай касб эгалари жуда кўп. Уларни жалб қилиш учун тарғибот керак, яхши сўз ва ундов жоиз. Буни ижодкорлар сўз билан қалбларга сингдириши мумкин.

Бугун яхшини оширадиган, ёмонини яширадиган давр эмас. Ҳаммаси очиқ ва ошкора. Очиқлик — бу холислик. Биз ҳам очиқ ҳамда холис фикримизни айтдик ва бу ўзининг самарасини беришига ишонамиз.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**Фазлиддин АБИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги «Eltech Industrial» технопаркида умумий қиймати 249 миллион долларлик 16 та лойиҳани амалга ошириш ишлари давом этмоқда.**

# Буюк мақсадлар билан яшаш саодати

*Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг фаолиятисиз бутун бошли миллат, халқ тақдирини тасаввур қилиш амримаҳол. Бундай инсонларни тарихий ва ижтимоий шарт-шароит маҳсули, дейдиганлар ҳам бор. Дарҳақиқат, Муқаннанинг жасоратини араб, Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлигини мўғул, Дукчи Эшоннинг мардонавор ҳаракатларини эса чор Россиясининг истилоси билан боғлиқ тарихий шарт-шароит юзага чиқарди. Аммо бу миллий қаҳрамонларимизнинг тарихий сиймосини фақат мавжуд мозий шарт-шароити билан боғлаб қўйиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди, назаримизда.*

**Акс садо**

Бундай шахслар тарих тақозо этганда бутун масъулият ва жавобгарликнинг залварли юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлгани боис, ҳар қандай даврда ҳам ўзининг халқпарвар сиёсати, илғор фикрлари, гуманистик қарашлари билан халқни ортидан эргаштира олади. Чунки ҳар қандай даврда ва жамиятда ҳам ҳали забт этилмаган янги марралар бўладики, бу манзиллар сари интилаётган халқ эса ўзида оқил ва доно йўлбошчига доим эҳтиёж сезади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев феноменининг майдонга келиши, бир томондан, тарихий шарт-шароит маҳсули, яъни объектив воқелик бўлса, иккинчи томондан, шахснинг ўзигагина боғлиқ бўлган субъектив омиллар билан туташ. Шавкат Мирзиёев шахсиятидаги юксак билим ва салоҳият, адолатга таяниб иш кўриш, ўз миллати ва халқига нисбатан чексиз ҳурмат, маънавий жасорат, маррани доим баланд тутиш, мавжуд воқеликни тўғри таҳлил қила олиш ва принципиаллик каби хусусиятлар унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида тарих майдонига чиқишига сабаб бўлди.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган "Шавкат Мирзиёев: мен умримни шу халққа тикканман!" сарлавҳали мақоласида айни шу жиҳат ҳаётий мисоллар ва теран таҳлил асосида очиб берилган.

Мақолани кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан ўқиди. Матбуот орқали билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, қизғин муносабатлар ушбу материал жамиятда катта акс садо берганидан далолат. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги сиёсий портретига муносиб чизгилар у кишининг халқчил, адолатли ва кенг қамровли фаолиятига оид фактлар асосида баён қилинган. Мақолада давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли сиёсатнинг устувор жиҳатлари таъкидланган.

Муаллиф мамлакатимизда амалга оширилаётган бағрикенглик сиёсати ва аҳил қўшничилик муносабатларининг янгидан йўлга қўйилганини ҳақли равишда Президентимизнинг оқилона сиёсати билан боғлайди.

Ҳақиқатан ҳам, қайсики давлатда диний, сиёсий, ирқий ва миллий бағрикенглик ва оқилона ташқи сиёсат йўлга қўйилса, ўша юртда турли низоларнинг юзага келмаслиги кафолатланади. Аммо ҳаётнинг бу оддий ҳақиқатини рўёбга чиқаришда, биринчидан, шу сиёсатни амалга ошириш учун етарли ҳуқуқий асослар яратилиши, иккинчидан, шу давлатда истиқомат қилувчи аҳолининг ушбу сиёсат моҳиятини англаб етиши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бағрикенглик сиёсатининг ҳуқуқий асослари, аввало, давлатимизнинг Асосий Қонунида, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги ва бошқа қатор қонунларда ўз аксини топган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилда давлат раҳбарлигига келганидан кейин айни йўналишда олиб борилаётган сиёсатни янада такомиллаштириш, уни замонга мослаштириш борасида қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Модомики, гап мамлакатимизда олиб борилаётган бағрикенглик сиёсати ҳақида борар экан, унинг халқаро майдондаги эътирофига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, 2017 йил 29 сентябрда Ўзбекистонга ташриф буюрган Москва ва Бутун Рус патриархи Кирилл Ўзбекистонда дин ва эътиқодга бўлган ҳурматга тан бериб, уни халқаро майдонда қуйидагича эътироф этди: *"Америка, Европа сиёсатчиларини Ўзбекистонга чақиринг, келиб кўришсин. Бундай бағрикенглик ҳеч қаерда йўқ! Мен бу ерда кўрганларимни ҳамма ерда ва ҳар доим айтаман. Бу ерда одамларнинг самимий меҳр-муҳаббати ва ҳурматини ҳис қилдим..."* Бу эътирофни жамиятимиздаги соғлом муҳитга берилган муносиб баҳо, дейиш мумкин.

Умуман, бағрикенглик халқимизга хос қадрият ҳисобланади. Меҳмондўстлик, ўзга миллат вакилларига нисбатан дўстона муносабат, халқаро алоқаларда ўзаро ҳурмат тамойилига амал қилиш миллатимизнинг олийжаноб фазилатларидан. Шу маънода, давлатимиз раҳбари олиб бораётган бағрикенглик, тенглик ва дўстлик сиёсати халқимиз маънавиятининг илдизида, миллатимизнинг қон-қонида мавжуд, десак, хато эмас. Бу оқилона сиёсат натижасида мамлакатимиздаги барча миллат ва элат ҳамжиҳатликда, тинчлик ва тотувликда яшаб келмоқда.

Мақолада Президентимиз томонидан илм-фан ва таълимга бўлган эътибор, бу борада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳақли равишда эътироф этилган. Дарҳақиқат, мустақилликдан кейин ҳам ўқитувчининг жамиятдаги обрў-эътибори тезда тикланмади. Ушбу шарафли касб соҳиблари узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга мажбурий равишда жалб этиб келинди. Шукрки, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан бу масалага узил-кесил чек қўйилди.

Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз салоҳиятини муттасил бойитиб боришдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслиги учун давлат ҳамма шароитни яратиб бермоқда. Шу боис ўқитувчи, мураббий ва методистлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошланган ишлар мунтазам давом эттириляпти. Энди ўқитувчилар бундай шароит, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ўз меҳнати, илми ва салоҳияти билан муносиб жавоб бермоғи лозим.

Таълим тизимида амалга оширилаётган мазкур ислоҳотларга мос равишда Чирчиқ давлат педагогика университети жамоаси соҳага инновацияларни жорий қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларининг самарадорлигини ошириш, жамиятда ўқитувчилик касбининг нуфузини юксалтириш мақсадида педагогик таълим инновацион кластерининг назарий ва амалий асосларини яратишни асосий стратегик илмий тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олди. Бугунги кунда университетнинг катта илмий жамоаси педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга самарали татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Кластер воситасида таълим мазмунини такомиллаштириш ва талабаларга қўшимча касб бериш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар битирувчиларнинг Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ғояларнинг тарғиботчиси ва ижрочиси сифатида жамиятда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради.

Умуман, мазкур инновацион ёндашувнинг соҳага кенг жорий қилиниши ҳудуддаги мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг миллий рейтингдаги мавқеини оширишга, педагоглик касбида оқилона ворисийликни таъминлаш, улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, муҳими, ўқитувчиларнинг касбий мослашувчанлик даврини қисқартириб, таълимдаги мавжуд муаммоларни олий таълимнинг илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ечиш имкониятини беради. Тошкент вилояти тажрибаси сифатида педагогик таълим кластери моделини оммалаштириш, шубҳасиз, соҳада ўз ижобий самарасини кўрсатади.

Мақолада муаллиф Президентимизнинг дунёқараши ва тафаккури ўзгараётган халқимиз тасаввуридаги салобатига яраша залварли, олиб бораётган кенг қамровли ислоҳотларининг маҳобатига муносиб салмоқли фикрларни билдирган. Унда Шавкат Мирзиёевнинг кенг кўламли фаолият йўналишлари эътироф этилган, Президент сифатида олиб бораётган сиёсатидаги устувор жиҳатлар таъкидланган, инсон сифатидаги фазилатлари ва раҳбар сифатидаги тамойилларига эътибор қаратилган. Энг муҳими, муаллиф мақолани ортиқча эҳтиросларсиз, қаҳрамонининг ҳар бир соҳадаги фаолиятини фактлар билан асослаган ҳолда қоғозга туширган.

Мазкур мақола Чирчиқ давлат педагогика университети жамоаси томонидан қизғин кутиб олинди. Мақоланинг мазмун-моҳияти билан таништириш мақсадида университет илмий-педагогик жамоаси ва талабалари билан учрашув ташкил этилди. Унда профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан кўплаб ижобий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Президентимизнинг сиёсий портрети теран очиб берилган бундай таҳлилий мақолалар кенг жамоатчиликнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур англашига, дахлдорлик ҳиссини янада юксалтиришга, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги ишларда фаоллигини кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,**
**Чирчиқ давлат педагогика университети ректори,**
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.**

# «МАЪРИФАТ УЛАШИБ» ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

*Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиалида ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш ва бадиий саводхонлик даражасини ошириш, шу орқали уларни ватанпарварлик, юртимиз келажагига дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган "Маърифат улашиб" лойиҳаси ташкил қилинди.*

**Маданият**

Тадбирда юртимиз адабий муҳитига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли шоир-ёзувчилар, журналистлар қатнашиб, талаба ёшларга юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар, хусусан, адабиёт соҳасидаги янгиланишлар, ўзларининг ижод йўли ҳақида сўзлаб берди. Уларнинг мамлакатимиздаги тинчликни қадрлаш, оила муқаддаслиги, ёшларда ватанпарварликни кучайтириш борасидаги фикрлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Маънавият ҳозирги кунда ҳаёт-мамот масаласига айланиб улгурди, — дейди университет талабаси Рухсора Нурматова. — Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган "Маърифат улашиб" лойиҳаси бизнинг таълим муассасамизда ҳам ташкил этилгани айни муддао бўлди. Таниқли ижодкорлар билан учрашувда айтилган фикр-мулоҳазалардан ўзимиз учун зарур хулосалар чиқардик, бизга берилган маслаҳат ва йўл-йўриқлардан куч олдик.

Тадбирнинг иккинчи қисми Нурафшон шаҳридаги 26-умумтаълим мактабида давом этди. Унда иштирокчилар томонидан элу юртни мадҳ қилувчи ғазал ва рубоийлар ўқилди. Куйланган куй-қўшиқ ҳамда самимий суҳбатлар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Мирағзам ТУРСУНОВ,**
**Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

*Шу йилнинг 14 сентябрь — 6 октябрь кунлари Ўзбекистон футзал бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади.*

**Спорт**




Эътиборли жиҳати, бу ФИФА шафелигида Марказий Осиёда ўтказилаётган илк нуфузли мусобақа ҳисобланади. Унда дунёнинг энг кучли 24 жамоаси совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Самарқанд шаҳрида дунё биринчилигига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, жамоалар гуруҳларга қуйидагича тақсимланди:

*"А" гуруҳи: Ўзбекистон, Нидерландия, Парагвай, Коста-Рика.*

*"В" гуруҳи: Бразилия, Куба, Хорватия, Таиланд.*

*"С" гуруҳи: Аргентина, Украина, Афғонистон, Ангола.*

*"D" гуруҳи: Испания, Қозоғистон, Янги Зеландия, Ливия.*

*"Е" гуруҳи: Португалия, Панама, Тожикистон, Марокаш.*

*"F" гуруҳи: Эрон, Венесуэла, Гватемала, Франция.*

14 сентябрь куни жаҳон чемпионатининг дастлабки ўйини Ўзбекистон ва Нидерландия терма жамоалари ўртасида кечади. Шу куни Парагвай — Коста-Рика ўйини ҳам бўлиб ўтади.

Терма жамоамиз 17 сентябрь куни парагвайлик рақиблари билан беллашади. Айни шу санада Коста-Рика — Нидерландия баҳси ҳам ўтказилади. Гуруҳ босқичининг сўнгги тури 20 сентябрга белгиланган: Ўзбекистон — Коста-Рика, Нидерландия — Парагвай.

**Қолган гуруҳларнинг тақвими қуйидагича:**

**I тур.**
14 сентябрь: Бразилия — Куба, Хорватия — Таиланд.
15 сентябрь: Аргентина — Украина, Афғонистон — Ангола.
15 сентябрь: Испания — Қозоғистон, Янги Зеландия — Ливия.
16 сентябрь: Португалия — Панама, Тожикистон — Марокаш.
16 сентябрь: Эрон — Венесуэла, Гватемала — Франция.

**II тур.**
17 сентябрь: Бразилия — Хорватия, Таиланд — Куба.
18 сентябрь: Аргентина — Афғонистон, Ангола — Украина.
18 сентябрь: Испания — Янги Зеландия, Ливия — Қозоғистон.
19 сентябрь: Португалия — Тожикистон, Марокаш — Панама.
19 сентябрь: Эрон — Гватемала, Франция — Венесуэла.

**III тур.**
20 сентябрь: Таиланд — Бразилия, Куба — Хорватия.
21 сентябрь: Ангола— Аргентина, Украина — Афғонистон.
21 сентябрь: Ливия — Испания, Қозоғистон — Янги Зеландия.
22 сентябрь: Марокаш — Португалия, Панама — Тожикистон.
22 сентябрь: Франция — Эрон, Венесуэла — Гватемала.

Жаҳон чемпионати беллашувлари Тошкент, Бухоро ва Андижон шаҳарларида ташкил этилади.

**«Халқ сўзи».**


# Иссиқхоналар ривожи учун имтиёзли кредитлар

*Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг узлуксизлигида иссиқхоналарнинг ўрни беқиёс. Маълумотларга кўра, сўнгги йилларда юртимизда уларнинг майдони 2,6 карра, маҳсулот етиштириш ҳажми 3 баравардан зиёдга ошган. Тармоқда 80 минг аҳоли доимий ва 70 минг нафари мавсумий иш билан машғул.*

SANOAT QURILISH BANK



"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан навбатдаги пресс-тур Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги иссиқхоналардан бири — "Red Star Oxus" корхонасига уюштирилди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари бошчилигида иссиқхона хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Иссиқхонада маҳсулот етиштириш ва уни сотишнинг янги механизми ишлаб чиқилди, молиявий имтиёзлар белгиланди.

"Бешинчи авлод" технологиясига асосланган "Red Star Oxus" корхонаси иссиқхонаси ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг имтиёзли кредитлари ҳисобига барпо этилиб, у ерга автоматик ультра иқлим бошқарув тизимига эга гидропоника типидаги иссиқхона комплекси ўрнатилган.

## Ислоҳотларга ҳамоҳанг тадбиркорлик

— Иссиқхоналар мева-сабзавотларни ўстириш технологиясига қараб геопоника (тупроқли) ва гидропоника турга бўлинади, — дейди "Red Star Oxus" масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари Зоҳид Рўзметов. — Биз танлаган гидропон иссиқхоналар замонавий, ундаги барча жараён автоматлаштирилган. Кўчатлар тупроққа эмас, нейтрал субстрат (шағал, қум, керамзит) билан тўлдирилган сўкчаклар ичига қадалади. Уларни озиқлантириш ва суғориш эса автоматлашган қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Пресс-турда журналистлар иссиқхона хўжалиги билан танишар экан, унинг фаолияти мамлакатимиздаги озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлом овқатланиш ва атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш ва экспортни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўлди.

Олти гектар майдонга эга иссиқхонада йилига ўртача 2-2,5 минг тонна помидор, бодринг, уларнинг кўчатлари ва ҳар хил кўкатлар етиштирилади. Маҳсулотларнинг бир қисми халқимиз дастурхонига тортиқ қилинаётган бўлса, яна бир қисми хорижий бозорларга етказиб берилмоқда.

Эътиборлиси, элликка яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган, мавсумда яна шунча киши ишга жалб қилинади.

— Иссиқхона конструкциялари Нидерландиянинг "Kubo Green-house projects" компаниясига тегишли, "яшил" технологиялар сирасига киради, — дейди Зоҳид Рўзметов. — Унга кўра, иссиқлик вентилятор ёрдамида ультра иқлим зонасига тортилади ва пластик қувурлар орқали кўчат илдизига эҳтиёж даражасида юборилади. Бу эса катта миқдорда энергия ва сувни тежашга ёрдам бермоқда.

Шунингдек, иссиқхона тепасига қуёш нурига ўхшаш хусусиятга эга махсус чироқлар ўрнатилган. Бу фотосинтез жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиб, ҳосилдорликни оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, плёнкали иссиқхоналарда помидор кўчати 6 ой ҳосил берса, мазкур инновацион иссиқхонада йил мобайнида маҳсулот олинмоқда.

## Ҳосилдаги барака сири

З.Рўзметовнинг айтишича, ўтган йилги ҳосилдан 6,5 млрд. сўмлик маҳсулот ички бозорга, 800 минг долларлик ҳосил эса экспорт қилинди. Бундай натижага ҳам меҳнат, ҳам изланишлар туфайли эришиляпти. Уруғларни синовдан ўтказиш, кўчат етиштириш, мева-сабзавотларни сақлаш, саралаш ва қадоқлаш бўлимлари иши доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. Минерал ўғит ва бошқа моддий ресурслар захирасини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Рақобатбардошлик ҳамда фаолиятимиз самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан узвий ҳамкорлик қилинмоқда.

Хўжаликда маҳсулот етиштиришнинг табиий усулидан ҳам фойдаланилади. Ўсимликлар асаларилар ёрдамида чанглантирилади. Бу эса маҳсулот етиштириш муддатини тезлаштиришга, сифатли ҳамда экспортбоп бўлишига хизмат қилмоқда.

Анъанага кўра, пресс-тур дастуридан матбуот анжумани ҳам ўрин олди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳудудда истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва етакчи тадбиркорларга молиявий кўмаклашиш, аҳоли даромадини ошириш борасида банк уддалаётган ишлар юзасидан маълумотга эга бўлди. Халққа манзур бўлаётган банк хизмати ва маҳсулотлари ҳақида қўшимча маълумот олиш учун мижозлар билан мулоқот қилинди.




Реклама

— Вилоятимизда Сайхунобод тажрибасини татбиқ этиш мақсадида 21 та маҳаллада 180 дан зиёд мижозлар ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилди, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Хоразм вилояти минтақавий банк хизматлари офиси бошқарувчиси Мақсудбек Рўзимов. — Ушбу маҳаллаларнинг драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, "маҳалла еттилиги" билан биргаликда уйма-уй ўрганишлар ўтказилди. Натижада кам даромадли 147 та оиланинг ўз томорқасидан ташқари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа йўналишлар билан шуғулланиб, йиллик даромадини жон бошига 1,5 млн. сўмга етказиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун мазкур оилаларга жами 1,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Тадбирда журналистлар банк томонидан маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, шунингдек, экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида таклиф этилаётган имтиёзли шартлардаги кредит маҳсулотлари билан таништирилди.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*


**Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли рассом, портрет устаси Зебинисо Шарипованинг «Тасаввур ва тасаввуф» номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6